



Ислом барча инсонлар кўз олдида

Исломни бузувчи амаллар

Мавзу маълумоти

- | **Унвон:** Исломни бузувчи амаллар
- | **Тил:** Ўзбекча
- | **Киритилган вақт:** Apr 10,2006
- | **Ёзувчи :** Абдулазиз ибн Абдуллоҳ ибн Боз
- | **Мавзу :** 1
- | : عربي - Русский - বাংলা - اردو - ไทย - English - ئۇيغۇرچە - Bosanski - 日本語 - 中文 - Español - Français - తెలుగు - മലയാളം
- | **Неча бор кўрсатилди:** 93
- | **Линк :** <http://www.islamhouse.com/p/721>

Абдулазиз ибн Абдуллоҳ ибн Боз роҳимахуллох

Исломни бузувчи амаллар

Мусулмон дўстим, билинги, Аллох субхонаху ва таъоло ислом динига кириш ва уни маҳкам ушлашни барча одамларга фарз қилиб, унга хилоф бўлган нарсадан огохлантирди. Аллох таъоло ўз пайгамбари Мухаммад соллаллоху алайхи ва салламни шу динга даъват этиш учун юборди ва унга эргашган киши хидоят топган, юз ўгирган киши эса адашган эканидан хабар берди. Аллох таъоло кўп оятларда, уламолар эса **«Муртадлик ҳукмининг боби»** да муртадлик сабаблари, ширк ва куфр турларидан огохлантирдилар. Дарҳақиқат, мусулмон баъзида моли ва конини ҳалол қиладиган кўплаб бузувчи амал турларини қилиш билан Ислом динидан чиқиб, муртад бўлиши мумкин. Бу бузувчиларнинг энг хатарлиси ва энг кўп содир бўладигани ўнтадир (Шайх Сулаймон Тамимий ва бошқа илм ахллари буни ўз асарларида баён қилдилар).

Биз қуйида сиз саломат қолишингиз ва бошқаларни ҳам огохлантиришингиз керак бўлган ўнта бузувчини мухтасар қилиб, баъзи изоҳлар билан эслатиб ўтаман.

1. Аллох таъолога ибодат қилишда шерик қилиш.

Аллох таъоло деди: **«Аллох ўзига шерик қилинишини кечирмайди. Ундан бошқа барча гуноҳларни хоҳлаган бандаси учун кечиради»** (Нисо: 48 ва 116).

«Албатта, Аллох Аллохга шерик қилган кишига жаннатни ҳаром қилди ва унинг жойи жаҳаннамдир. Золимларнинг ёрдамчилари йўқдир» (Моид: 72).

Вафот этган кишилардан эҳтиёж ва ёрдамларни сўраш, уларга қурбонликлар сўйиш ва назрлар қилиш ҳам шулар жумласидандир.

2. Аллох билан ўзи ўртасида воситачилар қилиб, уларга дуо, таваккул

килган ва улардан шафоат сўраган киши кофир бўлади.

3. Мушрикларни кофир деб ҳисобламаган, ёки уларнинг кофир эканлигида шубҳа килган, ёки уларнинг йўллари ва оқимларини тўғри деб ҳисоблаган киши кофир бўлади.

4. «Расулulloх соллalloху алайхи ва салламдан бошка кимсанинг йўли расулulloх соллalloху алайхи ва салламнинг йўлидан кўра мукамалрок, ҳукми расулulloх соллalloху алайхи ва салламнинг ҳукмидан кўра гўзалрок»- деб эътикод килган киши кофирдир. Тоғут (Золим махлуклар)ларнинг ҳукмларини расулulloх соллalloху алайхи ва салламнинг ҳукмларидан афзал кўрган кишилар шу бузувчи остига кирадилар.

5. Расулulloх соллalloху алайхи ва саллам олиб келган таълимотларнинг баъзисини, гарчи ўзи унга амал килса-да, ёмон кўрган киши кофир бўлади.

Аллох таъоло деди: Аллох таъоло деди:

«... Сабаби, улар Аллох нозил килган нарсаларни ёмон кўрдилар. Натижада, Аллох уларнинг килган амалларини бекор килди» (Мухаммад: 9).

6. Расулulloх соллalloху алайхи ва саллам олиб келган дин ва шу диндаги савоб ва жазолар устидан масҳара килган киши кофир бўлади.

«Айтинг: «Сизлар Аллох, Аллохнинг оятлари ва пайгамбари устидан масҳара килаяпсизларми? (Энди) уэр айтманглар. Иймон келтиргандан сўнг кофир бўлдинглар» (Тавба: 65-66).

7. Сехр.

Эрнинг хотинига байлантириш, ёки одамни ёқтирмаган нарсасига шайтоний йўллар билан яхши кўрадиган килиш учун килинган ишлар. Бу ишларни килган ёки бу ишларнинг бўлишига рози бўлган ҳар бир киши кофир бўлади. Аллох таъоло деди:

«У (икки фаришта) кимга таълим берсалар: «Биз бир имтихонмиз, сен кофир бўлма»- дер эдилар» (Бакара: 102).

8. Мусулмонларга карши душманларига ёрдам бериш куфрдир.

Аллох таъоло деди: **«Сизлардан у (яхуд ва насоро) ларни дўст тутган одам — улардан биридир. Шубҳасиз, Аллох золим халкларни ҳидоят килмайди» (Моиди: 51).**

9. «Баъзи одамларнинг расулulloх соллalloху алайхи ва саллаам олиб келган шариатдан чиқиш ҳуқуқлари бор»- деб эътикод килган киши кофирдир.

Аллох таъоло деди: **«Исломдан бошка динни талаб килган одамдан килган амаллари қабул килинмайди ва у охиратда зиёнкорлардан бўлади» (Ол Имрон: 85).**

10. Аллохнинг динидан юз ўғириш: уни ўрганмаслик ва унга амал килмаслик.

Аллох таъоло деди: **«Роббисининг оятлари билан эслатилгандан сўнг, улардан юз ўгирган кишидан кўра золимок одам борми? Биз жиноятчи кимсалардан интиком олгучидирмиз» (Сажда: 22).**

Бу бузувчилар амалларда жиддий, ҳазиллашиб ёки кўркиб айтган кишилар ўртасида фарк йўқдир. Факат бундан мажбурланган кишиларгина мустаснодир.

(Юкорида эслатиб ўтганимиздек), бу ўнта бузувчи энг хатарли ва мусулмонлар ҳаётида кўп содир бўлади. Шунинг учун ҳам, мусулмон булардан эҳтиёт бўлиши ва кўркиши керак.

«Одамлар курган тузум ва конунлар Ислом шариатидан кўра афзалрок, ёки Ислом низомини ҳозирги — йигирманчи асрда татбиқ килиш мумкин эмас, ёки уни татбиқ килиш мусулмонларнинг колоклигига сабаб бўлади, ёки Ислом банда билан Аллох ўртасидаги шахсий алоқаларга хос бўлиб, унинг инсон ҳаётининг бошка тармоқларига алоқаси йўқ»,

бундан ташкари, «Ўгрининг кўлларини кесиш, ёки уйланмаган зонийни савалаш каби жазоларни кўлламаслик керак»- деб эътикод килиш ҳам тўртинчи қисмдаги бузувчилар қаторига қиради.

Бундан ташкари, бу қисмга: «Гарчи шариат ҳукмидан афзал деб тушунмаса-да, муомалалар, жиноятлар ва бошқа ишларда шариат ҳукмларидан бошқа қонунлар билан ҳукм килиш жоиз»- деб эътикод килиш ҳам қиради. Банда бу эътиқоди билан Аллоҳ ҳаром қилган нарсаларни ҳалол қилган бўлади. Зеро, ҳаромлиги диндан экани маълум бўлган зино, маст қилувчи ичимликлар, судхўрлик ва Ислом шариатидан бошқа ҳукмлар билан ҳукм килиш мусулмонлар иттифоқи билан қуфр ишдир.

Аллоҳ субҳонаҳу ва таъолодан қазабининг сабабчилари ва аламли азобларидан паноҳ сўрайман.

Аллоҳ пайгамбаримизга, унинг оиласи ва саҳобаларига салават ва саломлар йўлласин!

Муштарак боғичлар

1.  [Исломни бузадиган амаллар](#) (Яна шу мавзуга яқин) - (Араб тили)
2.  [Исломга зид амаллар](#) (Яна шу мавзуга яқин) - (Араб тили)

Бизга боғланинг | Биз ҳақимизда

islamhouse.com саҳифасининг барча нашриётларидан фойдаланиб уни ҳоҳлаган услубда нашр қилишингиз мумкин
Охириги янгилаш : Apr 24, 2008 - 12:04:05
(0.11) Секунд
